

Сийрат 195-дарс. Мутафайқиҳлар кимлар?



19:00 / 05.08.2022 2373

751. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Албатта, мўмин ўзининг гўзал хулқи билан рўза тутувчи ва бедор бўлувчининг даражасини топади», деганларини эшитдим».**

Абу Довуд, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

* * *

752. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мўминларнинг иймони комилроғи хулқи яхшироғидир. Энг яхшиларингиз аҳлига яхши(лик қиладиган)ларингиздир»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

* * *

753. Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қиёмат куни мўминнинг мезонида чиройли хулқдан кўра оғирроқ нарса бўлмайди. Албатта, Аллоҳ фаҳш ва чиркин сўз айтувчини ёмон кўрур», дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

* * *

754. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан менга энг сеvimлигингиз ва Қиёмат куни энг яқин бўладиганингиз чиройли хулқлигингиздир. Сизлардан менга энг ёқмайдиганингиз ва Қиёмат куни мендан энг узоқ бўладиганингиз сергап, тили узун ва мутафайқиҳларингиздир», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули! Сергап ва тили узунни биламиз, мутафайқиҳлар кимлар?» дейишди. «Улар мутакаббирлардир», дедилар».

Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан